



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридиневич
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Umurzok Alibekov, Alisher Abdumatov, Ismoiljon Rayimjonov XVIII-XIX ASRNING BIRINCHI YARIMIDA EKOMUHITDAGI O'ZGARISHLAR, SIYOSIY- IJTIMOIY ETNIK JARAYONLAR XUSUSIDA.....	5
2. Nodira Babadjanova MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIK BARQARORLIK OMILI SIFATIDA.....	10
3. Дилмурод Бабожонов ХОРАЗМ ХОНЛИГИДА МАХФИЙ МАҲКАМА ФАОЛИЯТИ.....	16
4. Эргашали Эркаев ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ДАВРИДА ИРРИГАЦИЯНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ (1928-1932 йиллар).....	27
5. С.И.Габриэльян ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУСТАФЫ КЕМАЛЯ АТАТЮРКА: ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЕ.....	32
6. Zebo Ismatullayeva O'ZBEKISTON VA GERMANIYA MUNOSABATLARIDA XALQ DIPLOMATIYASI O'RNI.....	43
7. Jaxongirbek Jonqobilov SURXONDARYO VILOYATIDA IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI YILLARDA PAXTACHILIK SANOATINI RIVOJLANTIRISH BORASIDAGI DAVLAT SIYOSATI.....	50
8. Akmal Mengliboyev SOVET HOKIMYATI DAVRIDA SURXONDARYODAGI IJTIMOIIY QATLAMLARNING O'RNATILISHI: QATAG'ON VA JAMOALASHTIRISH SIYOSATINING TA'SIRI.....	55
9. Vafa Quliyeva, Qanira Pirkuliyeva THE ARAN-KARABAKH CARPET SCHOOL (the Karabakh School of carpet weaving).....	62
10. Ботиржон Тожибоев ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ҚАРШИЛИК ХАРАКАТЛАРИ.....	70
11. Хулкар Холикулова ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ.....	76
12. Бахтиёр Юлдашев, Гулсанам Тилавбаева “АНГРЕН – ПОП” ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ.....	81



Ботиржон Тожибоев,
Қўқон университети Андижон филиали,
Ижтимоий ва иқтисодий фанлар кафедраси мудир
т.ф.ф.д. (PhD), доцент

ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ҚАРШИЛИК ХАРАКАТЛАРИ

For citation: Botirjon Tojiboev. RESISTANCE MOVEMENTS AGAINST THE RED ARMY IN SAMARKAND REGION. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 5, pp.70-75

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15587277>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши, маҳаллий аҳоли томонидан уюштирилган совет ҳокимиятига қарши норозилик чиқишлари, митингларнинг сабаб ва оқибатлари ёритиб берилган. Шунингдек, Қизил армияга қарши Катта-қўрғон уездида бўлиб ўтган жанглар ва қўрбошилар фаолияти ёритилган. Шунингдек, мақолада Совет ҳокимиятининг қуролли қаршилиқ ҳаракатларига муносабати ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширган чора-тадбирлари, Самарқанд вилоятида қуролли ҳаракатнинг мағлубиятга учраши сабаблари ҳамда кураш сабоқлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Туркистон мухторияти, Катта-қўрғон, қўрбошилар, қизил армия, норозилик намойишлари, авф, Пайшанба кишлоғи, большевиклар, Туркистон.

Ботиржон Тожибоев,
Андижанский филиал Кокандского университета
доктор философии по историческим наукам (PhD), доцент

ДВИЖЕНИЯ СОПРОТИВЛЕНИЯ ПРОТИВ КРАСНОЙ АРМИИ В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещено начало вооруженного выступления против режима советов в Самаркандской области, организация митингов, протестов недовольного Советской властью простого населения. Также освещена деятельность курбашей и история сражений в Каттакурганском уезде. В статье также анализируется реакция советской власти на вооруженное движение сопротивления и меры, принятые по его ликвидации, причины поражения вооруженного движения в Самаркандской области.

Ключевые слова: Туркестанская автономия, Каттакурган, курбаши, Красная армия, демонстрация протеста, амнистия, село (кишлак) Пайшанба, большевики, Туркестан.

Botirjon Tojiboev,
Andijan branch of Kokand University,
Associate Professor (PhD)

RESISTANCE MOVEMENTS AGAINST THE RED ARMY IN SAMARKAND REGION

ABSTRACT

The article is devoted to the armed movement against soviet regime in Samarkand region, the strike of common people against the soviet government, and the organization of anti-soviet meetings. Similarly, the battles took place in Kattakurghon suburb and the career of Khorboshis has been discribed. The article also analyzes the reaction of the Soviet government to the armed resistance movement and the measures taken to eliminate it, the reasons for the defeat of the armed movement in the Samarkand region.

Index Terms: The autonomy of Turkestan, Kattakurghan, The khorbashis, the Red Army, strikes, pardon, Payshanba Village, Bolsheviks, Turkestan.

1. Долзарблиги:

Туркистонда Октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг мустабид тузумидан норози бўлган халқ ва унинг илғор зиёлилари ўз тақдирини ўзи белгилашга бел боғладилар. Большевиклар маҳаллий халқнинг мустақилликка интилишига қарши чиқди. Туркистон Мухторияти ҳукумати тор-мор этилгандан сўнг туркистонликлар совет тузумига қарши қуролли кўзғолон бошладилар. Бу халқ кўзғолонининг мақсади озодликка эришиш, истиқлолни қўлга киритиш эди. Истиқлолчилар ҳаракати бутун Туркистонга, жумладан, Самарқандга ҳам ёйилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик, ва худудий ёндошувлар каби тарихий методлар асосида ўрганилган бўлиб, унда XX асрнинг биринчи чорагида Самарқанд вилоятида Қизил армияга қарши олиб борилган қуролли ҳаракатлар ва совет ҳокимиятига қарши норозилик чиқишлари хусусида маълумотлар берилди.

Истиқлол арафаси ва мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қатор тарихчилар, публицистлар, адиблар томонидан мазкур муаммога янгича қараш руҳида тадқиқотлар эълон қилинди[12].

3. Тадқиқот натижалари:

Самарқандликлар Туркистон Мухторияти ҳукуматини ташкил қилишда фаол қатнашдилар. 1917 йил 26 ноябрда Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг IV фавкулудда съездида 21 нафар самарқандликлар иштирок этган эди. Самарқандда бўлиб ўтган вилоят совети съездида йиғилганлар ташкил топган Туркистон Мухториятига қўшилишга қарор қилдилар ва халқ мажлиси (парламент) таркибига 5 нафар вакил сайладилар.[1]

Мухторият ҳукуматининг қисқа ва сермазмун фаолияти давомида уни самарқандликлар қўллаб-қувватлаб келди. Туркистон Мухториятининг ағдарилиши Самарқанд халқини норози қилди ва советларга қарши қуролли кураш бошлашига туртки бўлди. 1918 йил февраль ойидан бошлаб дастлаб Фарғона водийсида, кейин Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида совет режимига қарши қуролли ҳаракат бошланиб кетди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида уларга «босмачилар» деб тамаға осилиб, атайлаб камситилган эди. «Босмачи» ва «босмачилик» иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш мақсадида совет органлари томонидан ишлатилган эди. Аслида улар мустақиллик ва озодлик учун курашган истиқлолчилар эди.

Маҳаллий совет идораларида тартиб йўқлиги, халқнинг хоҳиш-иродасини назар писанд қилинмаслиги маҳаллий аҳолининг норозилигини тобора кучайтирди. Халқ

вакиллари – дехқонлар, хунармандлар, савдогарлар, рухонийлар, зиёлилар совет режимига қарши курашувчи истиклолчилар томонига ўта бошладилар.

Қуrollи курашдан ташқари совет ҳокимиятига қарши кўплаб норозилик чиқишлари ҳам содир бўлган. Халқ вакиллари митингларда советларга қарши аксилинқилобий чиқишлар қилган. 1918 йил 28 майда Самарқанд вилоятининг Катта-қўрғон уезди Пайшанба қишлоғида большевиклар совет ҳукумати қўллаб-қувватлаш мақсадида янги тузум тарафдорларини йиғиб митинг ташкил қилган эди. Бироқ Катта-қўрғон уездида бўлган митингда совет режимига қарши кучлар кўпчиликти ташкил қилган ва бу кучлар большевиклар томонидан ташкил қилинган митингда турли чиқишлар қилиб, йиғилганларни тарқатиб юборади.[2]

1918 йил 10 сентябрда инқилобий ҳарбий трибунал Пайшанба қишлоғида совет органлари томонидан ташкил этилган митингни тарқатишда фаол иштирок этган 20 нафардан ортиқ фуқароларни айблаб, суд қилди. Трибунал қарори билан Очил қассоб Жабборқассобов, Муҳаммад Розик Муҳаммад Муродов, Муллаботир Қўлдошев, Мулла Саъдулла Полвонов, Ортиқ Зокиров ва Саъдулла Турсуновларнинг ҳар бирига 5000 рубль миқдорида жарима солинган. Жаримани тўлай олмаганларга эса 8 ой қамоқ жазоси беришга ҳукм қилинган. Бундан ташқари Шокир Фозилов, Ҳаким Минглиев, Шоди Абдуҳолиқов ҳамда Алим Абдураимовларнинг ҳар бирига 500 рубль миқдорида жарима солинган ва тўлай олмаган тақдирда икки йил қамоқ жазоси беришга ҳукм қилинган.[3]

1919 йил 11 февралда Катта-қўрғон шаҳрида ҳар хил вақтларда бўлиб ўтган митингларда советларга қарши аксилинқилобий нутқлар сўзлаганлиги учун Баҳромбек Давлатшоевга бир йил олти ой қамоқ жазоси, Йулдош Фозиловга олти ой қамоқ жазоси, Зариф Элмуродовга уч ой қамоқ жазоси беришга ҳукм қилинган.[4]

Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуrollи ҳаракатни Очилбек ва Баҳромбеклар бошқардилар. Самарқанд уездида Қоракулбек, Ҳожи Абдулқодир, Мулла Каримжон, Исломи; Жиззах уездида Ниёзбек (Маъмур Ниёзбек), Туроббек, Абдулхамидбек, Мулла Ҳамроқул; Хўжанд уездида Ҳолбўтабек, Норқўзи, Машариф, Турдибой, Мулла Жавлон, Муҳаммад Мурод каби кўрбошилар ўзбек ва тожик халқларининг босқинчи қизил армия ва большевиклар диктатурасига қарши ҳаёт-мамот жангларига бошчиликти қилдилар.

1918-1923 йилларда Матчо беклигида ҳам қуrollи ҳаракат кенг қулоч ёйган. 1920-1921 йилларда Матчо беги Саид Аҳмадхўжа ихтиёрида 2000-3000 нафар қуrollи йигит бўлган. Матчодаги ватанпарварлар бу пайтда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Парз қишлоғигача бўлган ҳудудларни эгаллаб, доимий равишда Ўратепа, Панжикент ва Самарқандга хавф солиб туришган. Ҳатто Туркистон фронтининг қўмондони М.В. Фрунзенинг буйруғи билан 1920 йил 30 мартда 8 та пулемёт ҳамда тоғли артиллерия взводи кўмагида 1 000 нафардан ортиқ қизил аскарлар отряди Матчо устига ҳарбий босқин уюштирганда ҳам матчоликлар уларни мағлубиятга учратганлар.

1923 йил март ойи бошларида Туркистон fronti ихтиёрига юборилган ҳарбий қўмондон Павел Андреевич Павловга Матчо беклигини босиб олиб, вилоятда кўзғолончи гуруҳларни тугатиш вазифаси қўйилади. Матчо экспедицияси 1923 йил 18 мартда бошланди[9.141]. Қизил аскарлар апрель ойи бошларида Постигав, Ҳажшо, Қалъахона, Рогиф, Сабоҳ, Жиги-Мион, Пакишор, Палдорак қишлоқларини босиб олишади. Шу йилнинг 2 апрелида Обурдон қишлоғида Матчо ревкоми тузилади[10.381]. 1923 йил 9 апрелда Вадиф қишлоғи атрофидаги тоғ дарасида бўлган қаттиқ тўқнашувдан кейин Матчо беги кўшинларининг қўмондони Асрорхон, унинг биродарлари бўлган йирик уламолар Эшонхон, Бузрукхон ҳамда уларнинг шахсий кўриқчилари қизил аскарларга асир тушади[11.151-152] ва бу ҳудудда совет ҳокимияти ташкил қилинади.

Самарқанд вилоятида ҳам Фарғона ва бошқа вилоятларда бўлганидек, 1918-1920 йилларда истиклолчилар ҳаракати авж олган эди.

1921 йил бошларида экин компанияси муносабати билан истиклолчиларнинг совет ҳокимиятига қарши кураши сусайган эди. Самарқанд уезди ижроия комитетининг 1922-1923 хўжалик йилидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида кўрсатилишча, 1921 йилнинг

охири ва 1922 йилнинг ўрталарида Фарғона водийсида «Босмачилик»нинг катта портлаши юз берди ва у Самарқанд вилоятига ҳам кўчиб ўтди. Ушбу ҳисоботда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг кучайиш сабаби хўжаликнинг вайрон бўлиши ва маҳаллий халқ турмушини ҳисобга олинмаганлиги, деб ёзилган[5].

Шу ҳужжатнинг гувоҳлик беришича, 1922 йилнинг охири ва 1923 йилнинг март ойигача «босмачилик» ҳаракати оммавий хусусиятда бўлмаганлиги қайд қилинган. Самарқандда 1923 йил мартнинг бошида истиқлолчилар ҳаракати янада жонланди ва сиёсий тус олди. «Босмачилар» большевиклар ва совет органлари ходимларига қарши курашни кучайтирдилар.[6]

1922 йил 15 ноябрдан 1923 йил 1 июлгача Очилбек бошчилигидаги 4 нафар кўрбошилар 2000 дан ортиқ йигитлари билан қизил армия отрядларига қарши жанг олиб борганлар. Улар тоғлик ҳудуд ҳисобланган Матчо районидаги «босмачилар»дан мадад олиб турганлар. 1923 йил 1 июлдан 1 ноябргача Самарқанд уездида 10 нафар кўрбошилар: Очилбек, Завитдин, Бўри, Умаров, Мирза -Полвон, Хамрокул, Холикул, Гадоё, Мулла Турсун, Ёрқораевлар қизил армия, ГПУ, милиция отрядлари билан жанг олиб бордилар. 1923-1924 хўжалик йилида «босмачилар» Самарқанд уездининг Зарафшон районида 64 марта, Дарғом районида 273 марта, Ургут районида 103 марта, Панжикет районида 2 марта, жами 442 марта жанг қилганлар. «Босмачилар» билан бўлган жанг ва отишмаларда ҳарбий қисмлар, мусулмон отлик кавалерия отрядларидаги кўплаб солдатлар ҳалок ва ярадор бўлганлиги ҳамда асирга тушганлиги ҳисоботда айтилган. Самарқанд уезди аҳолиси истиқлолчиларни кўллаб-қувватлаб турган. Ҳисоботда ёзилишича, «...аҳоли уларни («босмачиларни») ҳамма жойда яширади ва шу билан уларнинг ушланишини қийинлаштиради»[7].

Истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши совет ва партия органларини ташвишга солди. Улар турли ён беришлар орқали қуролли ҳаракатни заифлаштиришни мўлжалладилар. Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 25 июлдаги №88-рақамли қарорига асосан Туркистон Республикасида мусулмон халқ судлари, қозихоналар тикланганлиги “босмачилик” ҳаракатини сусайтирди ва маҳаллий аҳолининг совет ҳокимияти томонига ўтишга йўл очиб берди.

1922 йилга келиб Самарқанд вилоятида ҳам қизил армия ҳарбий қисмлари қўшимча ҳарбий қисмлар билан кучайтирилган эди. Совет қўшинлари истиқлолчилар отрядларига нисбатан сон жиҳатдан ҳам, қурол жиҳатдан ҳам устун кела бошлаган эди. Шунга қарамай истиқлолчилар совет қўшинларига қарши қатъий кураш олиб бордилар. Маҳаллий халқ томонидан кўллаб-қувватланган истиқлолчилар енгилмас кучга айланган эдилар.

Туркистонга юборилган совет раҳбарлари Туркистондаги сиёсий шароитни ўрганиб чиқиб, истиқлолчиларни фақат қуролли куч билан енгиш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Улар Марказга маҳаллий аҳолини совет ҳокимияти томонига ағдариб олиш чоратadbирлари кўришни маслаҳат бердилар. Шу мақсадда РКП (б) МК 1922 йил 18 майда “Туркистон- Бухоро ишлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Бу қарорга асосан руҳонийларни вақф мулкларини қайтариб бериш, қози судларини тиклаш ва “босмачи”ларга авф эълон қилиш тўғрисида кўрсатма берилган эди. Бу қарорни амалга ошира бориб, Туркистон АССР ҳукумати вақфлар, қози судлари, “босмачи” ларга авф эълон қилиш тўғрисида ўз қарорларини эълон қилди. Исломга эркинлик берилиши, миллий урф-одатларнинг тикланиши, миллий раҳбарларни давлат бошқарув органларига тайинланиши ва бошқа миллий масалалардаги ён беришлар истиқлолчиларни совет ҳокимияти томонига қисман ўтишга туртки бўлди.

Совет ҳокимиятини авф қилиш тўғрисидаги қарори совет органлари вакиллари томонидан бузилган. Таслим бўлган «босмачилар» қизил армиянинг «кўнгилчилар» отрядига қабул қилиниб, кейинчалик айрим ҳолларда отиб ташланган. Уларнинг ўзларидан ҳамда қариндошларидан тушунтириш хати олинган. Агар совет ҳокимиятига таслим бўлган кўнгилчилар яна қайтадан истиқлолчилар сафига қўшиладиган бўлса, унинг мол-мулки мусодара қилинган ҳамда қариндош-уруғлари Туркистон Республикаси ҳудудидан чиқариб

юборилган.[8]

Самарқанд вилоятида қуроли ҳаракатнинг мағлубиятга учраш сабаблари ҳамда кураш сабоқларини қуйидагича келтириш мумкин:

Биринчидан, Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи даври (1918-1924 йй.) тугагандан сўнг, 1925 йилдан бошлаб Самарқанд вилоятида совет режимига қарши оммавий жанг ҳаракатлари бўлмади.

Иккинчидан, қуроли ҳаракатнинг иккинчи даври (1925-1935 йй.) бошланганда Самарқанд вилояти ҳудуди аввалги даврда бўлгани сингари истиқлолчилик ҳаракатининг муҳим марказларидан бири эмас эди. Бу пайтда қуроли ҳаракатнинг асосий маркази фақат Шарқий Бухоро ва Хоразм воҳаси ҳудудлари бўлиб қолди.

Учинчидан, 1924 йил охирида Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш ҳамда 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ва бошқа иттифоқдош ҳамда автоном республикалар ҳамда областларнинг ташкил этилиши натижасида Самарқанд вилоятидаги қуроли ҳаракат ҳам ўзининг оммавийлик хусусиятини йўқотиб борди. Халқ оммасининг асосий қисми (деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар ва б.) томонидан эндиликда қуроли ҳаракат аввалгидек қўллаб-қувватланмай қолди.

Тўртинчидан, Россия-Польша уруши (1919-1921 йй.) ҳамда Россияда фуқаролар урушининг 1922 йил охирида асосан тугаши натижасида совет Россиясининг (1922 йил 30 декабрдан Совет Иттифоқининг) катта миқдордаги ҳарбий кучлари Туркистонга ташланди. 1923-1925 йилларда Самарқанд вилояти кўзғолончиларининг асосий кучлари қизил армия томонидан тор-мор қилинди. Вилоятдаги сўнги кўрбошилар гуруҳлари 1926 йилда тугатилди.

Бешинчидан, совет давлати ва коммунистик партия истиқлолчилик ҳаракатини бутун халқ оммаси кўз ўнгида “босмачилик” ҳаракати сифатида кўрсатиб, уларга қарши қаратилган жуда катта ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борди. Совет ҳокимиятининг жойлардаги партия, совет, хўжалик ва ҳарбий органлари бутун эътиборни кўзғолончиларга қарши курашга қаратиб, энг аввало айёрлик ва маккорлик йўли билан кураш раҳбарлари бўлган кўрбошиларни йўқотишга эришди.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятида ҳам истиқлолчилик ҳаракатлари кенг қулоч ёйган. Уларга қарши курашда совет ҳукумати нафақат уларни жисмоний йўқ қилишга ҳаракат қилган, балки уларни маънавий томондан ҳам уларни қаттиқ сиқувга олган. Шунга қарамай Самарқанд истиқлолчилари ҳам Ватан озодлиги учун тинмай курашдилар ва XX аср 30 йиллари ўрталаригача қизил армияга қарши жангларни давом эттирдилар.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. «Ulug‘ Turkiston», 1918 yil 7 yanvar. ["Great Turkestan", January 7, 1918.]
2. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 886-fond, 1-ro‘yxat, 5 -ish, 46 – 47-variantlar.
3. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 886-fond, 1-ro‘yxat, 5 -ish, 108-variantlar.
4. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 886-fond, 2-ro‘yxat, 32 -ish, 107-variantlar.
5. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 65-fond, 1-ro‘yxat, 1 -ish, 63-variantlar.
6. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 65-fond, 1-ro‘yxat, 1 -ish, 63-variantlar.
7. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 65-fond, 1-ro‘yxat, 80 -ish, 4-variantlar.
8. Samarkand viloyati davlat arxivi (Samarqand VDA), 1656-fond, 1-ro‘yxat, 2 -ish, 1-variantlar.
9. За власть Советов в Таджикистане. Воспоминания участников революции и борьбы с басмачеством. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1958. [9. Za vlast Sovetov v Tajikistan. Vospominaniya uchastnikov revolutsii i borby s basmachestvom. - Stalinabad: Tajikgosizdat, 1958]

10. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе: 1963. [10. Irkaev M. Istoriya grajdanskoj voyny v Tadjikistane. – Monday: 1963.]
11. Трипольский М.В. Ликвидация Матчинского басмачества //За власть Советов в Таджикистане (Воспоминания). – Сталинабад: 1958. [11. Tripolsky M.V. Liquidation of Matchinsko basmachestva //Za vlast Sovetov v Tadjikistane (Vospominania). - Stalinabad: 1958.]
12. Тожибоев Б.М. Самарқандда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1917 – 1918 йиллар) ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2015. №1/6. -Б. 39-41. Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг вужудга келиш сабаблари ва қўрбошилар фаолияти. ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2018. №1/5. Эшнӣз аминнинг аччиқ қисмати. Соҳибқирон юлдузи. – Қарши, 2019. – №1. – Б.31-34, Деятельность национально-политических организаций в Самарканде (1917 – 1918 годы). Научные итоги 2015 года: достижения, проекты, гипотезы. Сборник материалов V Ежегодной итоговой международной научно-практической конференции Новосибирск, 2015. –С. 44-48, Qurboshis of Samarkand province and their military activity. International Journal of Current Research, India. Vol. 10, Issue, 12, pp. 76128-26130, December, 2018. (SJIF 7.749. №23), The start and attempt forces of the armed movement against the soviet regime. Journal of Modern Educational Achievements. 2023, Volume 3, Actions of the red army in the ferghana valley. Galaxy international interdisciplinary research journal. Vol. 12, Issue 01, January (2024), Establishment of soviet power in Samarkand and the beginning of the armed movement against it. International Journal of Research,& Development India. Vol. 5, Issue, 9, September, 2020, The focus of the small struggle in Matcho and the decision of the soviet authority in this area. American Journal of Interdisciplinary Research and Development. ISSN Online: 2771-8948, Volume 13, Feb., 2023, The start and attempt forces of the armed movement against the soviet regime. Journal of Modern Educational Achievements. India. Vol. 3 No. 3 (3): vol3 Feb. 2023.

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000